# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 5 май, № 87 (6522) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# 2030 ЙИЛГА БОРИБ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИНИ ИККИ БАРОБАР ОШИРИШ

## мамлакатдаги мавжуд ҳолатни ва тараққиёт истиқболларини баҳолашга асосланган стратегик режалаштиришдир

Ўзбекистонда мустақил ривожланишнинг йигирма беш йили мобайнида асосий мақсадга эришиш — одамларнинг муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш ҳамда ижтимоий йўналтирилган кучли иқтисодиётга эга ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш бўйича муҳим ислоҳотларни амалга ошириш йўлида катта қадамлар ташланди.

**Жаҳон банки ижрочи директори Йорг Фриден**нинг сўзларига қараганда, Ўзбекистонда бугунги кунда глобал иқтисодиётдаги беқарорлик шароитида долзарб бўлиб қолган хатарларни бартараф этишга йўналтирилган инновация ислоҳотларининг амалга оширилаётгани юқори баҳога лойиқдир.

— Мамлакат раҳбарияти кичик бизнес субъектларини рағбатлантириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали чора-тадбирларни кўрмоқда, — дея таъкидлади у. — Шуниси эътиборга моликки, давлат раҳбарининг мамлакатни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида "Бизнес юритиш" рейтингида Ўзбекистон эришган ижобий ўзгаришлар қайд этиб ўтилди. Республиканинг Жаҳон банки билан самарали ҳамкорлиги ҳам буни яққол тасдиқлайди.

Унинг фикрича, Президент Ислом Каримовнинг мазкур маърузасида белгиланган режалар Жаҳон банки гуруҳи, айниқса, Халқаро молия корпорацияси билан бундан кейинги ҳамкорлик учун янги имкониятларни очади. "Биз алоқаларнинг барча йўналишини қамраб олмоғимиз ва яқин вақт ичида муҳокама қиладиган ушбу мамлакат стратегиясида уларни тўла акс эттиришимиз керак", дея қайд этди Й. Фриден.

**Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Петер Бuриан** ўтган йили юртимиз иқтисодиёти барқарор ривожланишда давом этганини таъкидлар экан, глобал миқёсдаги салбий иқтисодий тамойиллар мавжудлигига қарамасдан, Ўзбекистон Жаҳон иқтисодий форуми ҳамда Жаҳон банки рейтингида бизнес юритиш учун қулай муҳит мавжудлиги бўйича юқори баҳога сазовор бўлганига алоҳида урғу берди.

— Мен Тошкентда ўтказилган Халқаро инвестициявий форумида қатнашишга муяссар бўлдим. Бу анжуманда Ўзбекистоннинг иқтисодиётни янада либераллаштириш ва модернизациялашга содиқлиги ўз ифодасини топди, — дея таъкидлади у. — Ушбу тадбир жаҳон ишбилармонлар ҳамжамиятининг маҳаллий бозор имкониятларини ўрганиш борасида янада фаол иштирок этаётганини кўрсатди.

П. Бурианнинг фикрича, мажмуавий тизимли ўзгаришлар йўлини давом эттириш Ўзбекистонга ўзининг салмоқли иқтисодий салоҳиятини ҳаётга татбиқ қилиш ҳамда хорижий сармояларни, жумладан, ЕИ сармояларини янада кўпроқ жалб этиш имконини беради.

— Биз мамлакатингиз билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга ва тажриба ҳамда илғор технологиялар алмашинуви орқали иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида ишончли шерик бўлишга тайёрмиз. Бундан ташқари, биз Ўзбекистонда бизнес муҳити янада такомиллашуви йўлидаги мулоқотни ва ҳамкорликни бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлашни режалаштирмоқдамиз. Ўзбекистоннинг ислоҳотларни ҳаётга татбиқ қилиш бўйича кенг кўламли ишларни давом эттириш, инсон капиталини мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш борасидаги азми қатъийдир, — деди у.

ЕИ махсус вакилининг мулоҳазасига кўра, 2030 йилга бориб, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини икки баробар ошириш ва юқори даражадаги даромад ҳамда ривожланган иқтисодиётга эга давлат мақомига эришиш бажариш мумкин бўлган вазифа ҳисобланади. У ЕИ номидан республиканинг бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун ўзаро ҳамкорликнинг мавжуд механизмларидан фойдаланишга тайёр эканлигини изҳор этди.

**"Британия — Ўзбекистон" жамияти раиси Хартли Бут** дунёда рўй бераётган мураккаб геосиёсий ва иқтисодий жараёнлар шароитида Ўзбекистон рақобатдош ҳамда диверсификациялашган иқтисодиёти билан замонавий демократик давлатни барпо этиш ишига қатъиян содиқ бўлиб қолмоқда, деб ҳисоблайди.

(Давоми 2-бетда).

## 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# МАНГУЛИККА МУҲРЛАНГАН ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизнинг бошқа вилоят марказлари қатори Наманган шаҳрида ҳам Иккинчи жаҳон уруши қурбонларига бағишланган Хотира майдони барпо этилган. У миллий меъморчилик тамойиллари асосида қурилганлиги, кўркамлиги ва салобати билан одамни ҳайратга солади. Бу ерда аждодлар хотирасини ёдга олиш, юртимиз ривожига алоҳида ҳисса қўшганларни қадрлаш, навқирон авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга бағишланган турли тадбирлар ўтказиб турилади. Ёш келин-куёвлар учун ҳам майдонни зиёрат қилиш, Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиш эзгу анъанага айланган.

Майдоннинг тўрида порлаб турувчи мангу олов ҳар бир кишининг қалбидаги энг нозик ҳисларни уйғотгандек бўлади. Икки тарафдаги қадди баланд қўшайвон бағридаги токчаларда эса ўзига хос хотира китоблари жойланган. Унинг саҳифаларига фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган 37 минг нафардан ортиқ наманганликларнинг номи муҳрланган. Ҳар сафар уларнинг исм-шарифларини ўқиганда, ана шу юртдошларимизнинг мардлиги ҳамда жасорати кўз олдимизда гавдаланади.

Самсоқжон ота Низомов — Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Бу мўътабар инсон яқинда умрининг тўқсон бешинчи баҳорини қаршилади. Шундай улуғ ёшдалигига қарамай бардам-бақувват. Отахонни одамлар орасида, айниқса, талабалар ва ўқувчилар даврасида кўп учратиш мумкин.

Урушдан кейинги йилларда Самсоқжон Низомов педагогика институтини битириб, бутун ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлади. Мактабларда ўқитувчилик қилди, узоқ вақт вилоят халқ таълими бошқармасида ишлади. Ҳозир ҳам жамиятда фаол. Отахонни ёшлар билан учрашувларга тез-тез таклиф этиб туришади.

— Нотинчликдаги заҳматларни бизнинг авлодимиз кўрди, бошқаларнинг бошига бундай кунлар тушмасин, — дейди у. — Фашизмга қарши курашда бир ярим миллиондан зиёд ўзбекистонлик қатнашган. Ўша пайтда республикамизда олти ярим миллион киши яшаганлигини ҳисобга олсак, уруш мамлакатимиздаги биронта оилани четлаб ўтмаганлиги аён бўлади. Юз минглаб қурбонлар, сон-саноқсиз майиб-мажруҳлар-чи? Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари олиб бораётган тинчликпарвар сиёсатни чин дилдан маъқуллаймиз. Айнан шу туфайли ҳар бир шаҳар ва қишлоқда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлиги ҳаммамизни чексиз қувонтиради.

(Давоми 4-бетда).

## ИФТИХОР



5 май — "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони ва "Олтин юлдуз" медали, "Мустақиллик", "Дўстлик" орденлари ҳамда "Жасорат", "Шуҳрат" медаллари таъсис этилган кун.

# Озод ва обод юртнинг юксак мукофотлари













Истиқлол йилларида мамлакатимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, янгиланишлар амалга оширилмоқда. Пировардида юртимизнинг кучқудрати ва салоҳияти ҳар жиҳатдан тобора юксалаётир. Бу Президентимиз юритаётган оқилона сиёсатнинг, халқимиз азму шижоатининг самараларидир.

Энг асосийси, давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларига қаратилгани билан янада муҳим аҳамиятга эга. Шу боис юртдошларимиз бугунги тинч ва фаровон ҳаётга шукроналар айтиб, эртанги кунга комил ишонч ила қарамоқда. "Ватан мен учун нима берди?" деб эмас, балки "Мен Ватанга нима бердим?" деган эзгу фикр билан республикамиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга интилишмоқда.

Бу борада бошқаларга ибрат бўлаётган, фидокорона меҳнат қилаётган ҳамюртларимизни рағбатлантириш доимо эътиборда.

Президентимиз ташаббуси билан бир қатор давлат мукофотлари жорий этилгани улкан тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси парламентининг 1994 йил 5-6 май кунлари бўлиб ўтган сессиясида "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони ва олий нишон — "Олтин юлдуз" медали, "Мустақиллик", "Дўстлик" орденлари ҳамда "Жасорат", "Шуҳрат" медалларини таъсис этиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

(Давоми 4-бетда).

# Очиқликни таъминлаш — ОАВ фаолиятининг асосий мезони

Пойтахтимизда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси ҳамда қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида "Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик билан мулоқотни ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида" мавзуида халқаро конференция ўтказилди.

## КОНФЕРЕНЦИЯ

Унда депутатлар, вазирлик ҳамда идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, маҳаллий ҳамда хорижий экспертлар қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ҳаётга татбиқ қилинаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар жараёнида ОАВ фаол иштирок этаётганлигини алоҳида таъкидлашди. Бу, шубҳасиз, матбуот ва ахборот эркинлиги, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг самарасидир. Хусусан, соҳанинг мустаҳкам қонунчилик асоси яратилган бўлиб, у тобора такомиллаштириб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Маҳаллий муҳандислар ишланмалари асосида

## ИЗЛАНИШ

Қарши шаҳридаги "Қашқадарё плазма" масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий муҳандислар ишланмалари асосида бир неча турдаги қишлоқ хўжалиги ускуналари, темир йўллар учун махсус белгилар, йиғма каравот, электромонтёрлар мосламаси каби янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

— Цехларимиз 30 миллиметргача қалинликдаги металл прокатларни ўта аниқ ўлчамларда кеса оладиган замонавий плазмали дастгоҳлар билан жиҳозлангани иш самарадорлигини ошираяпти, — дейди корхона раҳбари Сулаймон Тўйчиев. — Биз таклиф этаётган қишлоқ хўжалиги ускунаси тупроқни 40 сантиметр чуқурликкача юмшатиш имконини беради. Ўзининг ихчамлиги ва фойдаланиш учун қулайлиги билан ажралиб турадиган бундай мосламалар, айниқса, фермерларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Қолаверса, мамлакатимиздаги етакчи саноат корхоналарига ҳам зарур эҳтиёт ҳамда бутловчи қисмларни етказиб бераяпмиз.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Бахтимсан, ғуруримсан, Ватан!

Жиззахда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишлаб "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

## «БИЗ — БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!»

Мазкур анжуман навқирон авлодни мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ислоҳотлар, ҳаётимизда рўй бераётган демократик ўзгариш ҳамда янгиланишлар билан яқиндан таништириш, дахлдорлик туйғусини юксалтириш орқали уларни Ватанга муҳаббат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 4-бетда).

# Фуқаролар йиғинлари сайлови бошланди

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги қарорида фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови шу йил май — июнь ойларида ўтказилиши назарда тутилган. Шундан келиб чиқиб, юртимизнинг барча ҳудудида мазкур муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Жойларда сайловнинг ошкоралик, муқобиллик ҳамда тенглик принциплари асосида ўтишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

## МАҲАЛЛА — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ



Хусусан, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар тузилиб, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароит яратилди. Масалан, ишчи гуруҳлар хизмат хоналари ҳамда ҳуқуқий адабиётларга эга бўлди.

Сайлов иштирокчилари билим ва малакасини оширишга қаратилган ҳудудий ўқув-семинарлар уюштирилиб, соҳа қонунчилиги мазмун-моҳияти ҳамда ушбу тадбирнинг маҳалла институти нуфузини янада юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти атрофлича таҳлил қилинди. Қолаверса, Олий Мажлис Сенати Кенгаши кўмаклашувчи комиссияси аъзолари томонидан фуқаролар йиғинлари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари ҳам чуқур таҳлил қилинди.

(Давоми 2-бетда).

# 2030 ЙИЛГА БОРИБ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИНИ ИККИ БАРОБАР ОШИРИШ

## мамлакатдаги мавжуд ҳолатни ва тараққиёт истиқболларини баҳолашга асосланган стратегик режалаштиришдир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Маълумки, кўпгина ривожланаётган мамлакатлар бу мақсадга эришишга интилмоқда, бироқ Ўзбекистоннинг бошқалардан ажралиб турадиган ўзига хослиги шундаки, кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасидаги салмоқли натижаларга қарамасдан, давлат қўлга киритилган муваффақиятлар билан чекланиб қолмаётир, аксинча, ўз иқтисодиётини янада чуқурроқ ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш жараёнларини давом эттирмоқда, — дея қайд этди у.

Х. Бутнинг фикрига қараганда, Ўзбекистонда кейинги ўн йил давомидаги иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари республика ҳукуматига 2030 йилга бориб, мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини камида икки баробар ошириш вазифасига эришиш учун интилиш имконини беради. "Бу глобал иқтисодиётдаги ривожланиш тамойиллари ҳисобга олинган ҳолда, республикадаги ҳолатни ҳамда тараққиёт истиқболларини реал баҳолашга асосланган стратегик режалаштиришдир", деб ҳисоблайди у.

"Британия — Ўзбекистон" жамияти раиси ўтган йили Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ҳаётга татбиқ қилинган давлат корхоналарини хусусийлаштириш дастурини, жумладан, акциядорлик компанияларидаги ҳисса стратегик чет эллик сармоядорларга сотилишини ўз вақтида қабул қилинган қарор, деб баҳолади. "Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида давлат иштирокининг қисқариши, корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойиллари қўлланилиши бозор иқтисодиёти шароитида компанияларнинг рақобатдошлигини оширишга кўмаклашади", деди Хартли Бут.

Унинг таъкидлашича, шу жиҳат ҳам жуда муҳимдирки, Ўзбекистонда мулкчилик тизимини тубдан ўзгартириш бўйича ишлар қонунчилик базасини такомиллаштириш, хусусий мулк ҳимоясини кафолатлаш, шунингдек, бизнесни ривожлантиришнинг маъмурий тўсиқларини бартараф этишни ўз ичига олган мажмуавий чора-тадбирлар билан бирга олиб борилмоқда.

— Шуниси аёнки, Ўзбекистон ҳукумати тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитларни яратиш нафақат соғлом иқтисодиётнинг гарови, балки бу аҳоли ҳаёт даражасини юксалтиришда муҳим омил эканлигини ҳам теран англайди, — дея айтиб ўтди Х. Бут.

Ўз фикрини баён этишда давом этар экан, "Британия — Ўзбекистон" жамияти раиси бугунги кунда кўпгина давлатларда ишлаб чиқариш пасайиши ва истеъмол талаби қисқариши кузатилаётганини, Ўзбекистон эса кенг кўламли инфратузилма қурилишини, шу жумладан, хориж сармояси иштирокидаги бунёдкорликни ишонч билан давом эттираётганини таъкидлади. "Биргина 2015 йили умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион АҚШ долларини ташкил этган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилиши якунланган ҳамда фойдаланишга топширилган. Шубҳасиз, бу соғлом иқтисодиётнинг белгисидир", дея баёнот берди у.

Шунингдек, Х. Бут иқтисодиётнинг янада ривожланиши автомобилсозлик ва темир йўл транспорти соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳаларга, Ўзбекистондаги мавжуд йўлларнинг кенг миқёсда реконструкция қилинишига ҳамда янги йўлларнинг барпо этилишига кўмаклашишини ҳам таъкидлади.

У республикамиз ўз олдига қўйган барча стратегик мақсад ва вазифаларга албатта эришишига ишонишини билдирди.

**"Tachkent — Paris" электрон журнали бош муҳаррири, рақамли нашрларноширлик уйи ҳамда "d'Izarn" медиакомпанияси президенти Сот Сильви д'Изарн (Франция)** фикрига кўра, Ўзбекистон асосий мақсад сари — аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашга қодир ҳамда ижтимоий йўналтирилган кучли иқтисодиётга эга ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш йўлида ишонч билан ҳаракатланмоқда.

У республикамиз ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратди.

— Кейинги йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсиши 8 фоиздан кам бўлмай келмоқда. Бу эса, ҳеч муболағасиз, тараққиётнинг "ўзбек модели" самарадорлигини, ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг миллий иқтисодиётга таъсирини бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган стратегиянинг тўғри эканлигини тасдиқлайди. Шуниси ҳам эътиборга моликки, Ўзбекистон эришаётган муваффақиятлар халқаро молиявий ҳамда иқтисодий институтлар, жумладан, Жаҳон банки, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда, — деди Сот Сильви д'Изарн.

Унинг айтишича, Жаҳон банкининг маърузасида Ўзбекистон кейинги йилларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўнта давлат қаторидан жой олгани қайд этилгани алоҳида эътиборга сазовордир.

— Республиканинг барча тижорат банки "Fitch Ratings", "Moody's", "Standard & Poor's" сингари етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан "Барқарор" рейтинг баҳоларига сазовор бўлгани жуда ибратли жиҳат ҳисобланади, — дея қайд этиб ўтди у.

**"Бандликни таъминлаш учун" уюшмаси (Польша) бош директори Збигнев Колесски** Ўзбекистон иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллашини таъкидлади.

— Қулай агроиқлим шароитлари, қуёшли кунларнинг кўплиги, ҳосилдор замини ҳамда меҳнаткаш аҳолиси мамлакатда ривожланган иқтисодий тизимни ташкил этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилди, — дея фикр билдирди у. — Қадим-қадимдан юртингиз ўзининг мева-сабзавотлари, полиз ва донли экинлари билан ном қозонган. Илгари Ўзбекистон иқтисодиёти хом ашё етиштиришга йўналтирилган ҳамда саноатда хом ашёни бирламчи қайта ишлаш устунлик қилган бўлса, мустақилликка эришилганидан сўнг мамлакат ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишни асосий устувор вазифа сифатида белгилаб олди.

З. Колесски Ўзбекистонда қисқа давр мобайнида иқтисодиётни диверсификациялаш ва пахта яккаҳокимлигига барҳам беришдек мураккаб вазифа амалга оширилганини таъкидлар экан, саноатнинг автомобилсозлик ҳамда ахборот технологиялари сингари янги тармоқлари ташкил топгани ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шароитлар, шунингдек, хорижий сармоядорлар учун имтиёз ва қулайликлар яратилганига эътибор қаратди.

У Марказий Осиё аҳолисининг деярли ярмидан кўп қисми ҳамда юздан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қиладиган мамлакатда барча ислоҳотлар сиёсий барқарорлик ҳамда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш асосида амалга оширилгани баробарида, ўзининг ижобий натижаларини берганини ҳам алоҳида таъкидлади.

**"Ўзбекистон — Корея" дўстлик жамияти раиси Ким Юн Сик**нинг айтишича, 2015 йилнинг якуний кўрсаткичлари Ўзбекистондаги иқтисодий тараққиёт стратегиясининг ҳар томонлама ва чуқур ўйланганини яна бир бор тасдиқлайди.

— Ўзбекистон иқтисодиёти сифатга асосланган тараққиёт йўлидан бормоқда. Ялпи ички маҳсулот, саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилиш соҳаларининг ўсишига профицитли бюджет, мўътадил инфляция даражаси, ижобий савдо сальдоси ва тўлов баланси таъминлангани ҳолда эришилди. Бу тараққиётнинг "ўзбек модели"даги асосий устунликлардан бири ҳисобланади, — деди у.

Ким Юн Сик ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари ўзларини давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларидан ҳимоя қилишни асосий вазифа сифатида белгилаб олган бир пайтда Ўзбекистон 2030 йилга бориб, ўз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини икки баробар оширишни мақсад қилиб қўйгани диққатга молик эканлигини эътироф этди.

— Президент Ислом Каримов маърузасида мамлакат иқтисодий кўрсаткичларини икки баробар ошириш учун ўртача йиллик ўсишни 4,8 фоиз даражасида сақлаб туриш лозимлиги таъкидланади, — деди у. — Сўнгги бир неча йил давомида ЯИМнинг ўртача йиллик ўсиш кўрсаткичлари ижобий ҳолатни намойиш этмоқда. Ўйлайманки, юртингиз белгиланган бу режани ортиғи билан бажаради.

**Сингапур Сиёсий тадқиқотлар халқаро маркази директори Роҳан Гунаратна** юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни юқори баҳолади. Шу муносабат билан, Р. Гунаратна бизнес тузилмаларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият юритишини соддалаштириш ва мазкур тузилмаларни ривожлантиришда турли бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш бўйича рўёбга чиқарилаётган чора-тадбирлар самарали эканлигини таъкидлади.

— Мамлакатингизда янги бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларига кредит бериш соҳасида эришилган натижаларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Давлатнинг доимий қўллаб-қувватлаши самараси ўлароқ, Ўзбекистонда маҳаллий ва хорижий бизнес ўзини эркин ҳис этмоқда, ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқда ҳамда янгидан-янги сармояларни жалб қилмоқда, — дея қайд этиб ўтди эксперт.

**«Жаҳон» АА.**

# Очиқликни таъминлаш — ОАВ фаолиятининг асосий мезони

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу аҳолини юртимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардан тўлиқ хабардор қилиш имконини бераётир.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида 2014 йил май ойида қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонун аҳолининг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамоатчилик ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйишда ОАВ ролини янада юксалтириш борасида янги босқични бошлаб берди. Буни айни чоғда юртимизда мавжуд оммавий ахборот воситаларининг 60 фоизга яқинини нодавлат медиатузилмалари ташкил этаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунга мос равишда давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари ахборот манбалари тобора ривожланиб бораётгани ҳам эътиборлидир. Маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 114 та веб-сайти фаолияти йўлга қўйилган. Улар томонидан кўрсатилаётган электрон хизматлар кўлами ҳамда сифати ҳам тобора салмоқли бўлиб бораяпти.

Конференция иштирокчилари томонидан Президентимизнинг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори ОАВ фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришда муҳим ўрин тутаётгани қайд этилди. Яъни оммавий ахборот воситалари ҳамда нашриётларга қатор имтиёз ва преференциялар бериш белгиланган бўлиб, бу амалда юксак натижалар бераётир.

— Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш борасида яхши тажриба тўпланган, — дейди "Panorama Worldwide" медиакомпанияси ижрочи продюсери Людовик Пето (Франция). — Аввало, соҳа тараққиётида муҳим омил бўлаётган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилган. Улар учун турли енгилликлар берилмоқда. Журналистлар ривожланган давлатларга бориб, малака ошириб келаётир. Пировардида буларнинг барчаси ОАВни янада такомиллаштириш, журналистлар касб маҳорати ҳамда билимини кучайтиришда қўл келмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Мазкур халқаро конференция ҳам ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, биз бу ерда нафақат ўз тажрибамизни ўртоқлашдик, айни чоғда ўзбекистонлик ҳамкасбларимиздан кўп жиҳатларни ўргандик.

Тадбирда республикамизда оммавий ахборот воситаларининг самарали фаолият юритиши учун барча шарт-шароит яратилгани ва давлат ташкилотлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида жамоатчилик мулоқотини шакллантиришда уларнинг ўрни ҳамда аҳамияти ортиб бораётгани, соҳада халқаро ҳамкорлик кенг ривожланаётгани хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди.

— Юртингизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, ОАВни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлардан муайян даражада хабардорман, — дейди ЮНЕСКО бош маслаҳатчиси Могенс Шмидт (Дания). — Конференция асносида бу борадаги маълумотларимни янада бойитдим. Бу ерда ОАВ ривожи учун зарур шароит яратилган ва бу уларнинг тобора фаоллашиб бораётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Тадбирда ривожланган давлатларнинг ушбу йўналишдаги илғор тажрибасини етказиш баробарида, фаолиятимиз давомида асқатадиган билим ҳамда кўникмаларга эга бўлдик. Шу маънода, ҳамкорлик алоқаларини бундан кейин ҳам изчил давом эттиришдан манфаатдормиз.

Халқаро конференцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини янада демократлаштириш ҳамда либераллаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини, давлат бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини, ОАВнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, жамоатчилик фикрини ўрганишнинг янгича усул ҳамда технологияларини жорий этиш, аҳоли хабардорлигини оширишда давлат органларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини кенгайтириш, шунингдек, тараққий топган давлатларнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилиб, зарур тавсиялар берилди.

**З. ХОЛТЎРАЕВ.**

# Саноатчилар форуми

*Андижон шаҳрида ўтказилган ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан* **350** *га яқин корхона ҳамда ташкилотлар, тадбиркорлик тузилмалари ва ҳунармандлар ўз маҳсулотлари билан қатнашди.*



**ЯРМАРКА**




Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

Ярмаркада намойиш этилган мебелсозлик, озиқ-овқат, қурилиш, трикотаж маҳсулотлари, маиший ҳамда электротехника жиҳозлари, бутловчи қисмлар бу ерга ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотди.

— Корхонамиз маҳсулотларига ички бозорда талаб ортиб бормоқда, — дейди Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган "Brend mebel" масъулияти чекланган жамияти менежери Фирдавс Аминов. — Биз ҳам мазкур тадбирда иштирок этиб, ўзимиз ишлаб чиқараётган юз турдан ортиқ мебеллар тўпламини тақдим қилдик. Кўплаб янги мижозлар билан ҳамкорлик шартномаларини имзолашга эришдик. Ушбу форум биз каби тадбиркорлик тузилмалари учун буюртмалар портфелини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

Икки кун давом этган саноатчилар анжуманида умумий қиймати 21 миллиард сўмлик келишувларга эришилди.

**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Қисқа сатрларда

● Тошкентда "Соғлом она ва бола: ижтимоий-маданий жиҳатлар. Тарих ва ҳозирги замон" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

**● Андижонда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан "Аждодларни хотирлаш — миллий қадрият" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**

● Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган "Инглиз тили билимдонлари" танловининг Тошкент шаҳар босқичида умумтаълим мактабларининг 5 — 9 синф ўқувчиларидан иборат 11 жамоа қатнашди.

**● Самарқанд шаҳридаги 52-умумтаълим мактабида Ўзбекистон халқ артисти Мутал Бурҳонов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан адабий кеча уюштирилди. Тадбирда атоқли бастакорнинг ҳаёт йўли ва бетакрор мусиқий асарлари ҳақида сўз юритилди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# Фуқаролар йиғинлари сайлови бошланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўз навбатида, аҳоли, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизларни сайлов жараёнига кенг жалб этиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини, ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича салмоқли юмушлар бажарилди. Бу борада ҳудудий кўмаклашувчи комиссиялар ҳузуридаги ахборот хизматлари ҳамда ОАВ роли беқиёслигидан келиб чиқиб, жойларда журналистларнинг фуқаролар йиғини сайлови билан боғлиқ билимларини мустаҳкамлашга йўналтирилган семинарлар ўтказилди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ энг муҳим талаблар юзасидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Фуқаролар йиғинлари органларини шакллантиришда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, сайлов жараёни иштирокчиларининг соҳа қонунчилигига тўла риоя қилишларини таъминлаш, фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодларнинг иш ва ахлоқий фазилатлари билан аҳолини ҳар томонлама таништиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар шулар жумласидандир.

Умуман олганда, фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда улар маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик ишлари юқори савияда олиб борилмоқда. Айни чоғда бугундан мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари сайлови бошланди ва икки ой давомида белгиланган режа асосида маҳаллаларда сайловлар бўлиб ўтади. Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги "Катта Хирмонтепа" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам сайлов бугун ўтказилиши белгиланган. Шу муносабат билан ушбу маҳаллада тайёргарликнинг бориши билан танишдик.

Мазкур маҳалла ҳудудида 6 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шундан сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган 4 минг нафарга яқин фуқаролар иштирокида вакиллар сайлови бўйича умумий йиғилишлар ўтказилди. Муҳими, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари тўла рўёбга чиқарилиши учун ишчи гуруҳ томонидан зарур чоралар кўрилди. Жумладан, фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодлар ҳақидаги ахборот сайловдан беш кун олдин фуқаролар йиғини биносига ва гузарларга осиб қўйилди.

— Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркибига эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган, бундай тадбирларда тажриба тўплаган 7 нафар фуқаро киритилган бўлиб, улар фаол иш олиб бормоқда, — дейди мазкур ишчи гуруҳ раҳбари К. Қосимова. — Ҳудуддаги сайловчилар сонидан келиб чиқиб, вакиллар сайланди. Улар маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимига кўрсатилган уч нафар номзоднинг энг муносибига овоз беради. Фуқаролар йиғини раисининг маслаҳатчилари лавозимларига ҳам ўзлари ишонган инсонларни танлашади. Улар ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун барча қулайлик мавжуд.

Шундай қилиб, мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бошланди. Шунга мос равишда жойларда мазкур тадбирни демократик тамойиллар асосида ўтказишга қаратилган саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилаяпти.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!*

## Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

**енгил ҳамда юк ташувчи автотранспорт воситалари учун автомобиль шиналарини етказиб бериш бўйича тендер савдоларини эълон қилади.**

**1.** Тендер савдолари предмети.

| Лотлар | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Сони |
|---|---|---|---|
| Лот № 1 | Автошина 155/70R12 (Tico) | дона | 600 |
| Лот № 2 | Автошина 155R12c (Damas) | дона | 1 500 |
| Лот № 3 | Автошина 175/70R13 (Nexia) | дона | 2 000 |
| Лот № 4 | Автошина 165/65R13 (Matiz) | дона | 1 000 |
| Лот № 5 | Автошина 185/60R14 (Nexia D) | дона | 1 200 |
| Лот № 6 | Автошина 195/65R15 (Lacetti) | дона | 500 |
| Лот № 7 | Автошина 8.40x15(215/90-15c) (УАЗ) | дона | 700 |
| Лот № 8 | Автошина 225/75R16C (УАЗ) | дона | 420 |
| Лот № 9 | Автошина 185/75R16 (Газель) | дона | 132 |
| Лот № 10 | Автошина 7,5R16c (Otoyol, Isuzu) | дона | 1 164 |
| Лот № 11 | Автошина 8,5R17,5c (Otoyol, Isuzu) | дона | 204 |

**2.** Тендер тури — очиқ.

**3.** Тендер савдоларида тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотлар ҳажмини етказиб бериш малакасига эга бўлган, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва/ёки уларнинг авторизациясига эга бўлган, малакавий талабларга жавоб берадиган хорижий иштирокчилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси резидентлари қатнашишлари мумкин.

**4.** Тендер комиссияси ишчи органининг манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Тендер ҳужжатларини харид қилиш бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин: (+99871) 281-46-70, 256-39-03, 255-75-12. Факс: (+99871) 281-46-70. E-mail: umts@mvd.uz

**5.** Закалат суммаси (тендер таклифлари кафолати), уни ўтказиш тартиби тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

**6.** Тендер ҳужжатлари баҳоси хорижий иштирокчилар учун — 200 АҚШ доллари, Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўрнатган курс бўйича сўмда амалга оширилади. Тендер ҳужжатлари учун тўловни учинчи шахслар амалга ошириши тақиқланади.

**7.** Талабгор тендер савдоларида қатнашишдан аввал тендер ҳужжатлари учун 6-бандда кўрсатилган тўловни амалга ошириши ва ариза билан мурожаат қилиши лозим. Барча савол бўйича тендер комиссияси ишчи органига ёзма равишда ёки 4-бандда кўрсатилган телефонлар ҳамда факс орқали мурожаат этиш мумкин.

**8.** Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 5 июнь куни Тошкент вақти билан соат 17.00.

Тендер таклифлари тендер комиссияси ишчи органи томонидан қабул қилинади.

682А/316

*КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!*

XALQ BANKI

## Акциядорлик тижорат Халқ банки

**Оҳангарон филиали биносига қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи сигнализация воситалари, видеокузатув қурилмаси ҳамда турникет мосламаларини ўрнатиш учун смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича очиқ танлов эълон қилади.**

1. Танлов комиссияси ишчи органи манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 46-уй. Тел./факс: (+99871) 273-14-37. E-mail: m.islamov@xb.uz
2. Танлов мавзуси — Халқ банки Оҳангарон филиали биносига қўриқлаш ва ёнғиндан огоҳлантирувчи сигнализация воситалари, видеокузатув қурилмаси ҳамда турникет мосламаларини ўрнатиш учун смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.
3. Тендер ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефон орқали олиш мумкин.
4. Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда, корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2016 йил 13 май Тошкент вақти билан соат 18.00 гача қабул қилинади.

*Хизматлар лицензияланган.* 698R/322

*КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!*

XALQ BANKI

## Акциядорлик тижорат Халқ банки

**Тошкент вилояти Амалиёт бўлимига қарашли «Nexia» русумли автомашиналарни таъмирлаш бўйича очиқ танлов эълон қилади.**

1. Танлов комиссияси ишчи органи манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 46-уй. Тел./факс: (+99871) 273-86-57. E-mail: taxlil883@xb.uz
2. Танлов мавзуси — Халқ банки Тошкент вилояти Амалиёт бўлимига қарашли «Nexia» русумли автомашиналарни таъмирлаш.
3. Тендер ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефон орқали олиш мумкин.
4. Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда, корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2016 йил 13 май Тошкент вақти билан соат 18.00 гача қабул қилинади.

*Хизматлар лицензияланган.* 699R/322

## «Universal realtor» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан ФИБ Миробод туманлараро судининг 2014 йил 25 июндаги 1-1174/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлиқ кўчаси, 71-уйда жойлашган, умумий майдони 105,43 кв.м., фойдаланиш майдони 58,68 кв.м. бўлган, 1 қаватдан иборат 3 хонали кўчмас мулк қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 58 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 6 июнь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Аризалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ҳамда 2016 йил 3 июнь куни соат 11.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаганидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal realtor» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

**Қўшимча маълумот олиш манзили: «Universal realtor» МЧЖ, 100047, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 150-35-55. E-mail: universal.realtor@mail.ru**

Хизматлар лицензияланган.

«Universal realtor» МЧЖ томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 9 апрелдаги 70 (6505)-сонида чоп этилган эълонда Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 40-уй, 7-хонадон аукцион савдосига қўйилганлиги тўғрисида хабар берилган эди. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБнинг 2016 йил 3 майдаги 25328/15-сонли хатига асосан, мазкур кўчмас мулк аукцион савдосидан олинди.

701R/609




619R/11

## GRUZSHINA.UZ

### КЎП ТУРДАГИ АВТОШИНАЛАР



Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

**Тел.: (+99871) 250-07-40.**
**Факс: (+99895) 170-32-52.**

53R/7

**БИЛДИРИШ**

### «Capital realtor group» МЧЖ

«Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 7 апрелдаги 68-сонида чоп этилган эълонига қуйидаги ўзгартиришни киритади: 2016 йил 3 май кунига белгиланган аукцион савдоси 2016 йил 10 май кунига кўчирилди.

**«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.**

Хизматлар лицензияланган.

696R/74


«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02


## «Universal auktsion invest» МЧЖ

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2016 йил 7 июнь куни соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

— Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 2 декабрдаги 10-1008/16936-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда сақланаётган:

* 2009 йилда ишлаб чиқарилган, кулранг тусли, «Matiz» русумли, давлат рақами 01 019 ОАА.

***Бошланғич баҳоси — 5 853 449,70 сўм.***

* 1992 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, «ГАЗ-31029» русумли, давлат рақами 10 AN 808.

***Бошланғич баҳоси — 2 475 651,60 сўм.***

Тошкент шаҳар ФИБ Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2015 йил 17 августдаги 1-584/9015/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мунис 2-тор кўчаси, 4-уйда сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Epica» русумли, давлат рақами 01 A 090 HA.

***Бошланғич баҳоси — 5 326 000 сўм.***

2016 йил 7 июнь куни соат 10.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Миробод тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 27-уй, Ўзбекистон Республикаси Транспорт ИИБ майдончаси ва «Space arsenal service» МЧЖда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

* Тошкент шаҳар ЖИБ Миробод тумани судининг 2016 йил 29 мартдаги 1-329-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, носоз, «ВАЗ-2101» русумли, давлат рақами 01 O 646 KA.

***Бошланғич баҳоси — 5 222 670 сўм.***

* Тошкент шаҳар ЖИБ Шайхонтоҳур тумани судининг 2016 йил 25 мартдаги 1-131-2016-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, носоз, «ВАЗ-21061» русумли, давлат рақами 01 T 679 NA.

***Бошланғич баҳоси — 11 864 591 сўм.***

* ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 4 декабрдаги 1-209/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, тўқ бинафша рангли (изабелла), носоз, «ВАЗ-11183-110-20» русумли, давлат рақами 01 E 885 FA.

***Бошланғич баҳоси — 28 397 993 сўм.***

* Тошкент шаҳар ЖИБ Миробод тумани судининг 2015 йил 11 ноябрдаги 1-758/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, қаймоқранг тусли, носоз, «ГБА СПГ Nexia» русумли, давлат рақами 10 H 331 CA.

***Бошланғич баҳоси — 26 264 000 сўм.***

* Тошкент шаҳар ЖИБ Яккасарой тумани судининг 2015 йил 5 ноябрдаги 1-463/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, носоз, «ГБА СПГ Leganza» русумли, давлат рақами 01 Q 744 CA.

***Бошланғич баҳоси — 22 551 889 сўм.***

* Тошкент шаҳар ЖИБ Учтепа тумани судининг 2015 йил 4 декабрдаги 1-531/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, жигарранг тусли, носоз, «ВАЗ-2106» русумли, давлат рақами 01 T 509 MA.

***Бошланғич баҳоси — 7 133 399 сўм.***

* Тошкент шаҳар ЖИБ Чилонзор тумани судининг 2016 йил 29 февралдаги 1-882/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, яшил рангли, носоз, «Damas» русумли, давлат рақами 01 X 845 AA.

***Бошланғич баҳоси — 17 242 991 сўм.***

* Тошкент шаҳар ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2015 йил 16 ноябрдаги 832/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, носоз, «Spark» русумли, давлат рақами 01 L 852 NA.

***Бошланғич баҳоси — 26 493 616 сўм.***

* Тошкент шаҳар ЖИБ Шайхонтоҳур тумани судининг 2015 йил 17 ноябрдаги 1-759/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, носоз, «ВАЗ-2103» русумли, давлат рақами 10 H 941 HA.

***Бошланғич баҳоси — 5 888 166 сўм.***

* Тошкент шаҳар ЖИБ Чилонзор тумани судининг 2013 йил 21 июлдаги 1-445/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, кулранг тусли, носоз, «Nexia» русумли, давлат рақами 30 N 519 EA.

***Бошланғич баҳоси — 24 957 471 сўм.***

* ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2015 йил 7 августдаги 2-276/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, носоз, «Espero» русумли, давлат рақами 01 W 072 AA.

***Бошланғич баҳоси — 26 400 000 сўм.***

* 2009 йилда ишлаб чиқарилган, садаф рангли (перламутрово серебристый серый), носоз, «Nexia» русумли, давлат рақами 20 O 970 BA.

***Бошланғич баҳоси — 26 215 000 сўм.***

* 2002 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, носоз, «Tico» русумли, давлат рақами 10 332 SAA.

***Бошланғич баҳоси — 16 359 080 сўм.***

* Тошкент шаҳар ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2016 йил 15 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2014 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, носоз, «Spark» русумли, давлат рақами 01 X 383 RA.

***Бошланғич баҳоси — 31 686 964 сўм.***

* Тошкент шаҳар ЖИБ Олмазор тумани судининг 2016 йил 17 февралдаги 1-37/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, оқ рангли, носоз, «Matiz» русумли, давлат рақами 01 O 681 GA.

***Бошланғич баҳоси — 21 508 440 сўм.***

* Тошкент шаҳар ЖИБ Олмазор тумани судининг 2015 йил 6 ноябрдаги 1-599/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, сариқ рангли, носоз, «ВАЗ-21063» русумли, давлат рақами 01 Q 189 MA.

***Бошланғич баҳоси — 3 655 556 сўм.***

* Тошкент шаҳар ЖИБ Чилонзор тумани судининг 2015 йил 25 августдаги 1-662/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, қизил рангли, носоз, «ВАЗ-2101» русумли, давлат рақами 01 P 840 BA.

***Бошланғич баҳоси — 5 015 000 сўм.***

2016 йил 19 май куни соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

— Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 14 сентябрдаги 19301/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-кварталда жойлашган, 8-сонли автосарой майдончасида сақланаётган:

* 1994 йилда ишлаб чиқарилган, «Mazda» русумли (эвакуатор), давлат рақами 10 BA 943.

***Бошланғич баҳоси — 12 193 251 сўм.***

* 1992 йилда ишлаб чиқарилган, «Toyota» русумли (эвакуатор), давлат рақами 10 BA 942.

***Бошланғич баҳоси — 17 088 979 сўм.***

* Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 17 июлдаги 18268/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-кварталда жойлашган, 8-сонли автосарой майдончасида сақланаётган:

* 1992 йилда ишлаб чиқарилган, «Mazda T2600» русумли (эвакуатор), носоз, давлат рақами 10 BA 939.

***Бошланғич баҳоси — 10 070 406 сўм.***

* Компьютер кейсларини йиғиш учун мўлжалланган конвейер линияси — 1 дона.

***Бошланғич баҳоси — 247 080 697 сўм.***

* Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 5 майдаги 7174/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 4 турдаги аралаштиргич ускуналар.

***Бошланғич баҳоси — 17 812 000 сўм.***

* Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2014 йил 28 февралдаги 4034/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, лифт қуриш учун мўлжалланган эҳтиёт қисмлар.

***Бошланғич баҳоси — 29 031 280 сўм.***

Юқоридаги мулклар билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 (бир) кун олдин соат 10.00 ва 10.30 да тўхтатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal auktsion invest» МЧЖнинг АТ «Туронбанк» Яшнобод филиалидаги МФО: 01083, СТИР: 302083379, 20208000004932168025 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва батафсил маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 236-74-67.**

**Гувоҳнома № 004059.**

695R/33

# Озод ва обод юртнинг юксак мукофотлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

"Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони олий даражадаги мукофот бўлиб, мамлакатимиз фуқароларига, айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам давлат ва халқ олдидаги қаҳрамонона жасорат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлари учун берилади. "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони билан тақдирланган шахсга "Олтин юлдуз" медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат тантанали равишда топширилади.

Ўтган йиллар давомида кўплаб юртдошларимиз мазкур олий мукофот билан тақдирлангани республикамизда инсон меҳнатини муносиб рағбатлантиришга, қадр-қимматини юксалтиришга қаратилаётган улкан ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Ота-боболаримизнинг асрий орзу-умидлари — истиқлолимиз халқимизнинг улкан тарихий ютуғидир. Шу боис давлатимизнинг юксак мукофотларидан бири "Мустақиллик" номи билан аталишида катта рамзий маъно бор.

Мазкур орден билан мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда тинчлик ҳамда тараққиётни таъминлашга улкан ҳисса қўшган ҳамюртларимиз, шунингдек, Ўзбекистон фуқароси бўлмаган шахслар тақдирланади.

Юртимизда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг тили, урф-одатлари ҳамда анъаналари ҳурмат қилиниши, ривожланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар, зарур шарт-шароитлар яратилган. Миллатлараро тотувлик, дўстлик мамлакатимиздаги барқарорлик ҳамда тараққиётнинг муҳим омилидир.

"Дўстлик" ордени Ўзбекистондаги барча миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлашда катта ютуқларга эришган, халқимизнинг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган фуқароларни мукофотлаш мақсадида таъсис этилган. Қонунда мазкур орден билан республикамиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкинлиги белгиланган.

Ватанимизнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида, диёримизда истиқомат қилаётган барча миллат ҳамда элатлар ўртасидаги дўстлик, тотувликни мустаҳкамлашда Нукус шаҳри аҳлининг ҳам хизматлари катта. 2003 йилда Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, Нукус шаҳри "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

Мамлакатимиз тинчлиги эзгу орзу-ниятларимиз рўёбининг муҳим кафолатидир. Шу маънода, она-юртимиз осойишталигини, халқимизнинг хотиржам ҳаётини таъминлаш миллий армиямиз ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари зиммасига катта масъулият юклайди. Бу йўлда мардлик ва жасорат кўрсатган инсонларнинг хизматлари ҳам муносиб эътироф этилаяпти. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлик ҳамда жасорати учун кўплаб юртдошларимиз "Жасорат" медали билан тақдирлангани бунинг ёрқин ифодасидир.

"Шуҳрат" медали билан мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантиришга, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ҳамда ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга ўзининг ҳалол меҳнати билан катта ҳисса қўшаётган ҳамюртларимиз тақдирланади.

Ватанимизнинг ўз давлат мукофотлари, орден ва медаллари, фахрий унвонларининг таъсис этилиб, муносибларга топширилиши катта маънавий, тарбиявий аҳамиятга эга воқеадир. Зеро, Юртбошимиз таърифлаганидек, умр бўйи эл-юрт манфаати, Ватан истиқболи учун курашиб яшайдиган шундай қаҳрамон фарзандлари бор халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ.**

# Санъатнинг сеҳрли олами

## ёш авлод камолотига хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда эртамиз эгаларини ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишда мусиқий тарбияга алоҳида эътибор қаратилиб, самарали ижод қилаётган истеъдод эгалари қўллаб-қувватланмоқда.

Жумладан, истиқлол йилларида санъатга иштиёқманд ёшларнинг иқтидорини камол топтириш, юзага чиқариш ҳамда уларни рағбатлантириш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бирига айланди.



**ЖАРАЁН**

Соҳани ривожлантириш йўлида бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Пировардида замонавий кўринишга эга, энг сўнгги жиҳозлар билан таъминланган таълим даргоҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу масканларда камол топаётган фарзандларимизнинг турли халқаро танловларда совринли ўринларни қўлга киритаётгани ва бу жараён бугун одатий ҳолга айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

Чунончи Самарқанд санъат коллежида ҳам айни пайтда "Фортепиано ижрочиси", "Торли чолғулар ижрочиси", "Пуфлама ва зарбли чолғулар ижрочиси", "Мусиқий-назарий фанлар ўқитувчиси", "Анъанавий чолғулар ижрочиси", "Анъанавий вокал артисти", "Академик вокал артисти", "Ҳаваскорлик хор жамоаси дирижёри", "Драма театри актёри" каби мутахассисликлар бўйича 1032 нафар ўқувчи сабоқ олмоқда.

— Ўқув хоналари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, — дейди мазкур таълим муассасаси директори Ҳуббим Ҳамдамов. — Шу боис бу даргоҳда таҳсил олаётган ёшларнинг иқтидори тобора тобланмоқда. Улар вилоят ва республика ҳамда халқаро миқёсда ўтадиган танловларда мунтазам қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишаяпти. Масалан, 2015 йилда Комилжон Отаниёзов хотирасига бағишланган республика кўрик-танловида Далер Саидов "Анъанавий хонандалик" йўналишида, "Созлар навоси" ёш мусиқа ижрочилари танловида Шоҳруҳ Пўлатов фахрли ўринларни эгаллади. Қолаверса, ўқувчиларимиздан Севара Илҳомова,



Ғолиб Исоқулов, Илёс Рўзимуродов, Марям Ғафурова, Азиз Зубайдов каби ёш ижрочиларимиз республика кўрик-танловларида турли йўналишларда совринли ўринларга лойиқ, деб топилгани бизга чексиз фахр ва ғурур бағишлайди. Шунингдек, "Фортепиано" бўлими иккинчи босқич ўқувчиси Лазиз Шукуруллаев мусиқа сирларини қунт билан ўрганганлиги, ўз соҳаси бўйича билимини астойдил ошириб борганлиги боис шу йилнинг 12 — 15 февраль кунлари бўлиб ўтган болалар ва ўсмирлар иштирокидаги "Окно в Европу" XI халқаро фестивалида II даражали диплом билан тақдирланди.

Икки йилдан буён вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Самарқанд мусиқа маданиятини янада равнақ топтириш, санъат, мусиқа, фольклор, миллий рақс ва бастакорлик соҳаларида иқтидорларни кашф этиш мақсадида "Янги овозлар" кўрик-танлови ўтказиб келинаяпти. Ана шу кўрикни ташкил қилиш, истеъдодли ёшларни аниқлаш, улар билан ишлашда коллежда фаолият юритаётган ўқитувчиларнинг ҳиссаси катта. Бинобарин, Самарқанддаги олий ўқув юртлари ўртасида бўлиб ўтадиган "Қувноқ ва зукко талабалар" танловини уюштиришда ҳам ушбу даргоҳдаги устозларнинг жонбозлиги, фидойилиги ўз самарасини бераяпти.

Битирувчиларни ишга жойлаштириш, мутахассислиги бўйича бандлигини таъминлаш бугунги кундаги энг муҳим вазифалар сирасига киради. Шу маънода, мазкур таълим муассасасини битирган ёш кадрлар вилоятнинг турли туман ҳамда шаҳарларидаги маданият ва дам олиш масканларида самарали меҳнат қилишаяпти. "Ахборот-ресурс маркази кутубхоначиси" мутахассислигини эгаллаганлар эса зиё масканларида ишни намунали ташкил этишга муносиб ҳисса қўшаётганлиги алоҳида таъкидланмоқда.

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Умуман, Самарқанд санъат коллежига, унинг 760 ўринли "Концерт зали"га ташриф буюрган киши бу ерда истиқлол фарзандларининг ҳар бир куни мазмунли ўтаётганига, турли тантана ва тадбирларда фаол қатнашиб, эътироф қозонаётганига гувоҳ бўлади.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МАНГУЛИККА МУҲРЛАНГАН ЭҲТИРОМ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Самсоқжон ота вақти-вақти билан Хотира майдонига келиб туради. Уруш манзаралари худди кино лентасидай кўз олдидан ўтади. Фронт ортида туриб жанг майдонидаги аскарларни ҳамма нарса билан таъминлаган юртдошларимизнинг куну тун қилган меҳнатини ҳам ёдга олади. Бугун мамлакатимизда ана шу фидойи ўғлонлар хотираси азизлиги унга мамнуният бахш этади. Омон-эсон қайтиб, умргузаронлик қилаётганларнинг қадри юксаклигидан ғурурланади, шукроналар келтиради.

"Нуроний" жамғармаси вилоят бўлимидан олинган маълумотларга кўра, ҳозир Наманган шаҳри ва туманларда 118 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилади. Улар байрамларда, турли тадбирларда доимий равишда йўқлаб турилади, совға-саломлар билан сийланади. Фахрийларнинг уй юмушларини беминнат бажарадиган "Ғамхўрлик гуруҳлари" тузилган. Навқирон авлодга ватанпарварлик, бурчга садоқат, мардлик ва жасорат каби фазилатларни сингдириш учун кексалар иштирокида давра суҳбатлари, учрашув ҳамда мулоқотлар мунтазам ўтказилаётир.

— Уруш миллионлаб инсонларнинг ёстиғини қуритди, — дейди Низомжон ота Сатторов. — Жанггоҳлардан қайтмаганлар орасида қанчадан-қанча ўзбекистонликлар бор. Биз уларнинг порлоқ хотираси олдида доимо бош эгамиз. Айни вақтда тинч-осойишта, шоду хуррамликда ўтаётган ҳар бир кунимизга, фаровон ҳаётимизга беҳисоб шукроналар айтамиз. Ёшлар билан учрашувларда ҳозирги яратиб берилаётган кенг имкониятларнинг қадрига етиш кераклигини уқтирамиз. Айниқса, биз, фахрийлар ҳақида давлатимиз кўрсатаётган ғамхўрликдан миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Жумладан, Президентимизнинг уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган Фармони ҳам биз, фахрийларни беҳад мамнун этди. Буларнинг барчаси юртимизда инсон қадри ҳамиша улуғ эканлигидан далолатдир.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ.**

# Бахтимсан, ғуруримсан, Ватан!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Туману шаҳарларда, чекка ҳудудларда депутатлар, тадбиркорлар, ёш олимлар, шоир ҳамда ёзувчилар, актёрлар, спортчилар иштирокида кўплаб учрашувлар ташкил этилди, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Жиззах вилояти кенгаши раиси Ориф Шукуров. — "Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" лойиҳаси асосида спорт мусобақалари, "Сиз севган қаҳрамонлар" ва "Замонамиз қаҳрамонлари" мавзуларида таниқли ижодкорлар, эстрада хонандалари билан мулоқотлар, "Одам савдоси — давр муаммоси", "Депутат ва ёшлар", "Нуронийлар эъзозимизда" каби йигирмага яқин йўналишларда маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари уюштирилди.

Бахмал маиший хизмат кўрсатиш коллежида "Оммавий маданият" ва ёшлар маънавияти" мавзуида ўтказилган анжуманда турли зарарли ғоя ҳамда иллатлар, уларга қарши курашишда миллий маънавиятимиз, қадриятларимизнинг ўрни ҳақида ёшлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Мустақиллик туфайли юртимиз жаҳонда тобора юксак мавқега эга бўлиб бормоқда, — дейди ушбу таълим муассасаси ўқувчиси Диёра Абдурасулова. — Биз, навқирон авлод вакилларининг пухта билим олиши ва ҳаётда муносиб ўрнимизни топишимиз учун барча шарт-шароит яратилган. Ана шу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, янада яхши ўқишимиз, Ватанимизга керакли мутахассис бўлиб вояга етишимиз зарур.

Дўстлик, Фориш, Мирзачўл туманларида уюштирилган тадбирларда иштирокчилар ўз иқтидорларини рўёбга чиқариш, бизнес лойиҳаларини амалга ошириш бўйича кўплаб таклифларни илгари сурдилар.

— Мамлакатимизда йигит-қизларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиши, истеъдод ҳамда салоҳиятини намоён этиши учун барча имкониятлар етарли, — дейди Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-сонли академик лицейи ўқувчиси Моҳигул Раимқулова. — Мен ҳам бундан унумли фойдаланиб келаётган ёшлардан бириман. Мана, жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландим. Бу мени янада пухта билим олиш, ўз устимда кўпроқ ишлаш ва изланишга ундайди.

Зомин, Янгиобод, Ғаллаорол туманларида уюштирилган "Диний экстремизм ва терроризм — ёшлар келажагига таҳдид" мавзуидаги давра суҳбатида эртамиз эгаларини инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган бузғунчи ғоялар таъсиридан асраш, турли иллатларга қарши курашиш зарурлиги ҳақида мушоҳадалар билдирилди.

Фестиваль вилоят марказидаги "Сўғдиёна" мажмуасида "Мустақиллик фарзандларимиз!" шиори остида ташкил этилган концерт дастури билан якунланди.

Тадбирда Жиззах вилояти ҳокими С. Исмоилов сўзга чиқди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ.**

# Маҳорат синовлари

Қарши шаҳрида "Ҳамшира — 2016" республика кўрик-танловининг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда 15 нафар тиббиёт ходими касб маҳоратини намойиш этди.

**«ҲАМШИРА — 2016»**

Шунингдек, иштирокчилар тиббий ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий соҳаларга оид билимларини синовдан ўтказдилар. Уларнинг беморларни қабул қилиш, аҳволини баҳолаш ва қўйилган ҳамширалик ташхиси асосида муолажаларни олиб бориш борасидаги кўргазмали чиқишлари муносиб баҳоланди.

Якуний натижаларга кўра, биринчи ўрин Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий тиббиёт маркази Қарши филиали ҳамшираси Хуршида Саидовага насиб этди. Кейинги ўринларни вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамшираси Дилором Маҳманазарова ҳамда Шаҳрисабз тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-оилавий поликлиника ҳамшираси Рисолат Жуманазарова эгаллади.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

РЕКЛАМА




# Ёш операчилар тақдирланди

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида V республика опера хонандалари танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

**ТАНЛОВ**

Тегишли вазирлик ҳамда идоралар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, талаба-ёшлар, шунингдек, опера ихлосмандлари қатнашган мазкур тадбирда мамлакатимизда санъат соҳасига қаратилаётган юксак эътибор ўз самарасини бераётгани таъкидланди. Бинобарин, опера санъати жадал равнақ топаётир. Бунда, айниқса, юртимиз ҳамда хорижий давлатларда ташкил этилаётган ижодий танлов ва фестивалларнинг ўрни беқиёс.

Бу йилги танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 18 ёшдан 32 ёшгача бўлган 36 нафар опера хонандаси ўз маҳоратини намойиш қилди. Уларнинг истеъдодини баҳолашда мусиқий асарни теран ҳис этиши, истеъдоди, саҳна маданияти, овоз имкониятларига алоҳида аҳамият қаратилди.

Танлов якунларига кўра, қашқадарёлик Дамир Раҳмонов Гран-при соҳиби бўлди. Тошкентлик Ангелина Аҳмедова, фарғоналик Бирдонахон Маткаримова, қашқадарёлик Хўжаназар Жумаев, наманганлик Султонбек Абдураҳимов турли йўналишлар бўйича биринчи ўринни қўлга киритишди.

Тадбир ғолиб ва совриндорлар, опера санъати ижрочиларининг катта концерт дастури билан якунланди.

**Дилфуза ҚАРШИБОЕВА.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 115 479 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳих — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.55 Топширилди — 22.35 1 2 3 4 5 6